## ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “10” 01 51/401-сон Кониmeх ТЭТК

(шартнома тузилган манзил)

”Навоий худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи рахбари Б.Исломов, бир тарафдан ва Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг Низом асосида фаолият юритувчи рахбари С.Рисбеков иккинчи тарафдан,

(" Истеъмолчи" раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоқлари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия ҳаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

### II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
актив 40000 кВт.с., реактив — кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сум тариф бўйича тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) Ун саккиз миллион сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия хажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган хақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагичлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг
2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик хажми — кВт/соат ташкил этади.

### III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.